Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 239 (5588).

4 ДЕКАБРЬ ПАЙШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КЕЧА ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ — МОСКВАДА ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРДИ.

ДЕПУТАТЛАР СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1976 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА, СССРНИНГ 1976 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҲАҚИДА ВА СССРНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР.

СЕССИЯ БУГУН ЎЗ ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИ.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ

ТИНЧЛИК РЕЖАЛАРИ, БУНЁДКОРЛИК РЕЖАЛАРИ

СССР Олий Советининг сессиясида сўзга чиққан депутатлар ўз нутқларида Коммунистик партиянинг Советлар мамлакати иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш ҳақидаги, тинчликни мустаҳкамлаш ҳақидаги режаларини амалга ошириш йўллари тўғрисида гапирмоқдалар. Совет халқининг коммунистик қурилишдаги муваффақиятлари КПССнинг, унинг Марказий Комитетининг, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия Марказий Комитети Сиёсий бюросининг доно ички ва ташқи сиёсати туфайли таъминланаётганлигини халқ вакиллари таъкидлаб ўтмоқдалар.

Депутатлар СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг келгуси йилга мўлжалланган давлат плани ва давлат бюджети лойиҳаларини муҳокама этар эканлар, беш йилликнинг якунловчи йилида эришилган натижаларни атрофлича анализ қилмоқдалар, ўнинчи беш йилликда ишларнинг самарадорлигини ва сифатини ошириш йўлларини белгиламоқдалар. Улар ишлаб чиқариш резервларидан жуда тўлиқ фойдаланиш, социалистик мусобақани янада ривожлантириш тўғрисида конкрет таклифларни айтмоқдалар. СССР Олий Советининг депутатлари барча коллективлардаги зардоб меҳнат ва юксак иш сифати КПСС XXV съезди шарафига олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишининг гарови эканлигини таъкидламоқдалар.

3 декабрь куни тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Соат 10.00 да Кремлда Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси бошланди.

Депутатлар ва меҳмонлар **Ю. В. Андропов, А. А. Гречко, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, Д. А. Кунаев, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорний, М. А. Суслов, В. В. Щербицкий, П. Н. Демичев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, В. И. Долгих, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси депутат **А. П. Шитиков** очди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976 йилги давлат плани, СССРнинг 1976 йилги давлат бюджетини ва СССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ижросини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси депутат **Н. Ж. Худойбердиев** биринчи бўлиб бошлаб берди. Республика партия XXIV съезди директивалари ва партиянинг ўнинчи беш йиллик йиллари Қозоғистон учун кўп тармоқли экономиканы гуркиратиб ривожлантириш, ишларнинг ҳажми ва кўламини кескин ошириш даври бўлди. Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг интенсив омиллари ролини кучайтириш ўтган йилларнинг ўзига хос хусусияти бўлди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустриал негизга планли равишда ўтказишга жуда муҳим аҳамият берилди.

Марказий Комитетнинг 1 декабрь куни бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган ёрқин программавий нутқида партия билан халқнинг вазифалари аниқ белгилаб берилган, 1976 йилнинг масъулиятли топшириқларини бажариш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча янги принципиал қоидалар баён этилган, деб таъкидлади нотиқ. Партия ўртага қўйган катта-катта вазифаларнинг бажарилиши бутун ишимизнинг савиясини анча оширишни, мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этишни, ишлаб чиқариш имкониятлари ва резервларидан янада тўлиқ фойдаланишни талаб этишини Қозоғистон меҳнаткашлари равшан тасаввур этадилар.

Сессияга йўл олиш арафасида мен сайловчилар билан, корхонамизнинг ходимлари билан кўпгина учрашувлар ўтказдим, деди Ленинграддаги «Электросила» машинасозлик бирлашмасининг токари депутат **Ю. К. Сидоров**, шу боисдан ҳам одамларимизнинг кайфияти баланд эканлигини ушбу минбардан туриб дадил айта оламан.

Бутун совет халқи сингари ленинградликлар ҳам, деб таъкидлади нотиқ, КПСС Марказий Комитетининг шу сессия арафасида бўлиб ўтган пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллайдилар ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш тўғрисида, халқ турмушини яхшилаш, ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида тинимсиз ғамхўрлик қилинаётганлиги учун партияга самимий миннатдорчилик изҳор этадилар.

Молдавия меҳнаткашлари, деди Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг раиси депутат **К. Ф. Ильяшенко**, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ф. Жолио Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» билан мукофотланганлигини ғоят мамнун бўлиб кутиб олдилар. Бутун партиямизнинг, бутун совет халқининг тинчликни сақлаб қолиш учун курашдаги хизматлари шу мукофотда ўз ифодаси ва тасдиғини топди.

Республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари Леонид Ильични юксак мукофот билан чин кўнгилдан табриклаб, Ватан қудратини мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида тинчлик ва дамкорликдан иборат олижаноб ишга фидокорона меҳнатлари билан ҳисса қўшиш истагида эзўлиб-тошганликларини изҳор этадилар.

Республикада XXIV съезд директивалари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларига мувофиқ аграр-саноат интеграцияси ва ҳўжаликлараро кооперация йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини индустриал негизга ўтказиш йўли амалга оширилмоқда, деб таъкидлади нотиқ.

КПСС Калинин область комитетининг биринчи секретари депутат **Н. Г. Кордиков** қуйидагиларни таъкидлади: КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «РСФСРнинг қора тупроқли бўлмаган зонасида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қора тупроқли бўлмаган зонадаги жуда катта потенциал резервларни ишга солишнинг конкрет йўлларини белгилади. Биринчи галда ерларни мелиорациялаш проблемалари ҳал этилмоқда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини концентрациялаш ва ихтисослаштириш программасини амалга оширишга киришилди.

Область коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳозир ўзларининг куч-ғайратларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, унинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш масалаларига қаратмоқдалар. Корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш саноатда бу соҳадаги ишнинг асосий йўналишларидан биридир. Депутат капитал қурилишни янада индустрлаштириш, бинокорлик материалларини ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Туркманистон меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини сўзсиз қўллаб-қувватламоқдалар, деди Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Ғ. Гапуров.** У айтдики, Туркманистон меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, кенг авж олдирилган социалистик мусобақа асосида саноат маҳсулотни ишлаб чиқариш юзасидан тўққизинчи беш йилликни муддатидан аввал бажардилар. Беш йил мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 55 процентдан кўпроқ ортди. Республика колхоз ва совхозлари пахта етиштириш юзасидан беш йиллик планни сентябрь ойининг ўрталарида бажариб қўйдилар.

Туркманистон экономикасини ривожлантиришда эришилган бу муваффақиятлар, деб таъкидлади нотиқ, совет республикаларини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати доимо изчиллик билан гамхўрлик қилиб келаётганликлари натижаси, Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдами натижасидир.

КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан мамлакатимизни ривожлантириш улуғвор программасининг бажарилганлиги, деб таъкидлади «Сибсельмаш» заводининг директори депутат **Ф. Я. Котов,** жамиятимизнинг коммунизм сари олға бориш йўлида муҳим босқич бўлди. Сибирликлар социалистик Сибирни жадал, комплекс ривожлантиришга доимо эътибор бераётганликлари учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик изҳор этадилар.

Беш йилликнинг якунловчи йилида, деб давом этди нотиқ, партия Марказий Комитети ва шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев коллективимизни меҳнатда эришилган катта ғалаба — ишлаб чиқариш ҳажмини ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик марраларига чиқишимиз билан қутладилар. Юксак баҳодан илҳомланган завод меҳнаткашлари умуман беш йиллик планни 28 августда бажардилар. Депутат завод коллективи КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга муносиб ҳисса қўшишга ваъда берди.

Эстония ССР Министрлар Советининг раиси депутат **В. Н. Клаусон** ўз нутқида бундай деди. Республикада саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий ўсишга меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди. Бу — республика меҳнаткашлари юксак меҳнат активлиги, уларнинг мамлакат экономикасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга интилаётганликлари натижасидир.

Нотиқ айтдики, бутун совет халқи сингари Эстония меҳнаткашлари ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида ҳормай-толмай ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Марказий Комитетига, Сиёсий бюрога, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик билдирадилар.

Нотиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш резервларидан фойдаланиш проблемаларига катта эътибор берди.

КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари депутат **Н. В. Баннков** минбарга чиқади. У область меҳнаткашларининг Олий советдаги вакиллари бўлган депутатлар тошпирғига мувофиқ СССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1976 йил давлат планини ва СССРнинг 1976 йилги давлат бюджетини маъқуллаш тўғрисидаги таклифини қувватлади. Депутат айтдики, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили халқ хўжалигининг барча тармоқларини бир маромда ривожлантириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни самарадорлигини ҳар томонлама ошириш, бутун ишимизнинг сифатини яхшилаш, халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини янада ўстириш учун яхши негиз яратиш лозим.

Нотиқ область меҳнаткашларининг ишлари ҳақида гапириб, Братск—Усть-илим территориал саноат комплексини вужудга келтириш юзасидан партия XXIV съездининг директивалари муваффақиятли равишда бажарилаётганлигини уқтириб ўтди.

Депутат ҳал қилинмаган проблемалар устида, масалан, транспорт проблемаси устида ҳам тўхталиб ўтди, уй-жой қурилишини ва меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Ҳозирги сессия, деди КПСС Тува область комитетининг биринчи секретари депутат **Г. Ч. Ширшин,** партиямиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа арафасида ўтмоқда. Ҳозир барча совет кишилари юксак кўтаринкилик вазиятида меҳнат қилмоқдалар, партия XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1975 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқида баён қилинган ҳўлосалар ва йўл-йўриқлар ҳар бир партия, совет, хўжалик ташкилоти, ҳар бир меҳнат коллективи амалий ишининг программаси бўлиб қолади.

Нотиқ айтдики, партиямиз соцнал-иқтисодий программасининг рўёбга чиқарилиши, республика экономикасининг ривожланиши натижасида Тува меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги доимо, йилдан-йилга ошиб бормоқда. Депутат республика экономикасини интенсивлаш вазифаларига, КПССнинг XXV съезди йилида ҳал қилиш лозим бўлган вазифаларга катта эътибор берди.

Шу билан Иттифоқ Советининг иккинчи мажлиси тугади.

3 декабрь куни соат 15 да Кремлда СССР Олий Совети Миллатлар Советининг иккинчи мажлиси бошланди.

Депутатлар ва меҳмонлар **А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, П. М. Машеров, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, Д. Ф. Устинов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлисни СССР Олий Советы Миллатлар Советининг раиси депутат **В. П. Рубен** очди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976 йилги давлат плани, СССРнинг 1976 йилги давлат бюджети ва СССР давлат бюджетининг 1974 йилги ижросини муҳокама қилиш давом эттирилди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА ҚУТЛОВЛАР

Ўртоқ Л. И. Брежневга Ф. Жолио-Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» берилиши муносабати билан кўпгина мамлакатлардаги Коммунистик партияларнинг раҳбарларидан, партия, давлат ва жамоат арбобларидан унинг номига қутлов телеграммалари келиб турибди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков ўз телеграммасида Л. И. Брежневнинг Жаҳон тинчлик кенгашининг энг юксак нишони — «Тинчлик олтин медали» билан мукофотланганлиги муносабати билан ғоят мамнун эканлигини изҳор этиб, бундай деб ёзади: «Сизга тинчлик тарафдорлари умумжаҳон ҳаракатининг энг юқори мукофоти берилганлиги тинчлик буюк иши ёвароқдори бўлган Сизнинг ташаббус кўрсатиб, зўр ғайрат ва собитқадамлик билан ишлаётганлигингиз учун халқлар миннатдорчилигининг, мустаҳкам, адолатли ва демократик тинчлик ва хавфсизлик учун, ижтимоий тузумга турлича бўлган давлатларнинг биргаликда тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтириш учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, қардош Совет давлатининг ҳал қилувчи ролига юксак баҳо берилганлигининг ифодасидир.

Азиз Леонид Ильич тинчлик ва социал тараққиёт йўлидаги, бутун тараққийпарвар инсоният манфаатларини кўзлаб, коммунистик идеалларнинг тантанаси учун тинимсиз олиб ҳиммат фаолиятингизда Сизга чин қалбдан янги катта муваффақиятлар тилайман».

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан Л. И. Брежневни самимий муборакбод қилди.

Табрикномада бутун дунёда тинчликни ҳимоя қилиш йўлида Л. И. Брежневнинг ҳормай-толмай қилаётган ишлари тақдирланган шу мукофот муносабати билан самимий табрик изҳор қилинади. ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари Леонид Ильич Брежневга ўзининг юксак ва олижаноб бурчини бажаришда янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилайди.

Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Родней Арисменди Л. И. Брежневни қизғин қутлади. У айтдики, тинчлик тарафдорларининг юксак мукофоти — КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев оғишмай ўтказиб келаётган КПСС ленинча сиёсатини одилона эътироф этишдир.

«Тинчлик программаси юзасидан КПСС XXIV съездининг асосий директивалари-ни амалий жиҳатдан рўёбга ошириш соҳасидаги Сизнинг шахсий ташаббусингиз ва бу ишга Сизнинг қўшган назарий ҳиссангиз бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлиб, у жуда катта сиёсий акс садо берди. Сиз бу билан бутун жаҳоннинг миннатдорчилигига сазовор бўлдингиз, тинчлик тарафдорлари ҳаракати Сизга берган ана шу янги мукофот буюнинг яққол далилидир».

Чили Компартияси чет эл бюросининг Компартия Марказий Комитети номидан Л. И. Брежневга йўллаган телеграммасида бундай дейилади: «Сизнинг шахсий ҳиссангиз, халқаро кескинликни юмшатишга, тинч-тотув яшаш ва халқаро хавфсизлик принципларини мустаҳкамлашга ҳамда халқлар ва мамлакатлар ўртасида дамкорликни ривожлантиришга қаратилган КПСС XXIV съездн қарорларини ижодий рўёбга чиқаришингиз ҳамманинг эътирофига сазовор бўлди.

Замонамизнинг ана шу ғоят муҳим вазифаларини ҳал қилишда Сиз ўйнаётган жуда катта роль Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб, Сизнинг жуда катта қўмагингиз билан Хельсинкида бўлиб ўтган тарихий кенгашда ўз ифодасини топди».

Шри Ланка Компартиясининг Марказий Комитети ўртоқ Л. И. Брежневга энг самимий, қардошлик истакларини ва қутловларини йўллаган.

Марокаш тараққиёт ва социализм партияси бош секретари Али Ятимнг Л. И. Брежнев номига йўллаган телеграммасида бундай дейилади: «Сиз ўзингизнинг ғоят зўр куч-ғайратингиз ва бутун дунёда тинчлик, тинч-тотув яшаш, халқаро хавфсизлик ва халқлар ўртасида дноқлик ишига, Совет Иттифоқининг ва социализм ишининг муваффақиятларига шахсан қўшган ҳиссангиз билан ана шу мукофотга ҳақли равишда сазовор бўлдингиз».

Жаҳон касаба Союзлари федерациясининг бош секретари Пьер Жансус, Шри Ланка республикасининг бош министри Ф. Жолио Кюри номидаги «Тинчлик олтин медали» берилиши муносабати билан қизғин қутловларини йўллаганлар. Сиримаво Бандаранаикенинг йўллаган телеграммасида бундай дейилади: «Бу мукофот кескинликни юмшатиш ва бутун дунёда тинчлик ишига Сизнинг қўшган жуда катта ҳиссангизни шубҳасиз эътироф этишдир».

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКА САНОАТИНИНГ ОДИМИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика индустрияси саноат маҳсулотини реализация қилиш юзасидан шу йилнинг ўн бир ойлик планини 104,4 процент, меҳнат унумдорлиги планини 102,6 процент бажарди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 9,1 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги эса 5,2 процент ошди. Саноат маҳсулоти реализация қилиш ўн бир ойлик планини Қорақалпоғистон АССР, республикадаги барча областлар ва Тошкент шаҳри бажарди.

Қорақалпоғистон АССР, республика областлари ва Тошкент шаҳри бўйича планнинг бажарилиши ва саноат ишлаб чиқарилишини ўстириш суръатлари қуйидагича бўлди (биринчи стун — ноябрь ойида маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиш процента, иккинчи стун — январь-ноябрь ойларида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш процента, учинчи стун — январь-ноябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 1974 йилнинг тегишли даврдагига нисбатан процент ҳисобида, тўртинчи стун — пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот йиллик мажбуриятга нисбатан план ҳисобида):

Ўзбекистон ССР	102,6	104,4	109,1	87,1
шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	102,5	106,4	114,7	85,5
Андижон области	102,2	107,1	106,5	88,5
Бухоро области	100,1	102,6	108,4	111,8
Жиззах области	97,5	106,2	114,9	121,7
Қашқадарё области	103,4	105,4	110,6	80,0
Наманган области	103,7	106,8	109,3	90,8
Самарқанд области	103,6	105,1	107,7	104,8
Сурхондарё области	105,2	105,4	103,8	83,8
Сирдарё области	100,4	107,7	113,4	83,9
Тошкент области	103,0	103,7	109,6	84,1
Фарғона области	104,0	103,9	107,9	79,6
Хоразм области	101,7	104,5	114,2	78,0
Тошкент шаҳри	102,2	103,7	109,6	80,2

Шу билан бирга айрим корхоналар планларини бажара олмадилар. Булар орасида Чирчиқ трансформатор заводи, Тошкент экскаватор заводи, Тошкент холодильниклар заводи, «Узбекзолото» бирлашмаси, Тошкент мебель комбинати, Янгибозор пахта заводи, Қўқон хром-заводи, Денов ёғ экстракция заводи, «Сурхон» бирлашмаси, Қўқон бадиий буюмлар фабрикаси, Термиз ғишт заводи, Қарши бинокорлик материаллари комбинати, Чиноз норуда материалар карьери ва бошқа корхоналар бор.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг вазифаси шуки, улар қолган давр ичида республикадаги барча саноат корхоналарининг 1975 йиллик планларини ва қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажаришни таъминлайдиган қўшимча чораларни кўришлари лозим.

ЯНГИ ТАДБИРЛАР

Оққўрғон районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилини муваффақиятли якунламоқдалар.

Колхоз пахтакорлари ҳар гектар майдондан 22,5 ўрнига 32,6 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. Ҳосилдорлик 1974 йилга нисбатан 2,5 центнер ошди. Жаъми 1958 тонна ҳосилнинг 1514 тоннаси биринчи сортга қабул қилинди, машина билан 1410 тонна пахта терилди. Бу планда белгиланганидан 210 тонна кўпдир.

Пахта йиғим-теримини муваффақиятли тамомлаган колхоз пахтакорлари шу кунларда келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратиш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Шудгордан олдин ҳар гектар ерга 250—300 килограммдан суперфосфат солинмоқда. Ерни шудгорлашда Баҳром Абдураҳмонов, Нуриддин Тошбоев, Тўхта Умурзоқов, Алиш Қосимов сингари тракторчилар намунали меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига тўрт-беш гектар ерни 32—38 сантиметр чуқурликда сифатли шудгор қилаётирлар.

Қ. САИДИНОХУНОВ.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

ОҚҚЎРҒОН РАЙОН XXVIII ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН

Тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги икки йили халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини ривожлантиришда, ишлаб чиқаришни илмий асосда, келажакни кўзлаб, оз меҳнат сарфлаб кўп ва арзон маҳсулот етиштириш, ташаббус кўрсатиб ишлаш йиллари бўлди. Партия ташкилотлари бу соҳада кўпгина ибратли ишлар қилдилар. Шунинг натижасида КПСС XXIV съезди томонидан қўйилган улуғвор вазифалар самарали бажарилмоқда ва якуловчи йил топшириқлари, умуман беш йиллик халқ хўжалик планлари, социалистик мажбуриятлар шараф билан адо этилаётир.

Шу умумхалқ курашида оққўрғонликлар ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилдилар.

Кеча бўлиб ўтган Оққўрғон район XXVIII партия конференциясида саноат, қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида олиб борилган ташкилотчилик, партиявий-оммавий ишлар атрофлича муҳокама этилди. Район партия ташкилоти фаолияти тўғрисида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари **А. Икромов** саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, корхона ва муассасаларнинг коллективлари КПСС XXIV съезди қарорларини тўла бажариш учун куч ва ғайратларини, билим ва тажрибаларини сарфлаб, астойдил меҳнат қилганликларини таъкидладилар.

Райондаги саноат корхоналари ўтган йили ҳам, бу йилнинг ҳозирги кунларигача маҳсулот ишлаб чиқариш, уни реализация қилиш топшириқларини муваффақиятли адо этмоқдалар.

Район меҳнаткашлари асосий соҳа бўлган пахтачиликни ривожлантириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш, таннархини камайтириш, дала ишларида механизацияни кенг жорий этиш юзасидан маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Давлатга пахта сотиш юзасидан беш йиллик план 120,6 процент қилиб бажарилди. Саккизинчи беш йилликдагига қараганда тўққизинчи беш йилликда пахта етиштириш ҳар йили 21 процентданга кўпайтирилди. Пахта ҳосилдорлиги 1973 йилдагига қараганда бирмунча юқори бўлди. Ҳисобот даврида район партия ташкилоти кам ҳосилли бригада ва звеноларни, колхоз-совхозларнинг юқори ҳосилли хўжаликлар даражасига кўтариш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширди. Бу ўзининг яхши натижаларини берди. Чунончи, 1974 йилда кам ҳосилли бригада, колхозлар ундан олдинги йилга қараганда бирмунча оширганлиги сабабли 3124 тонна кўп пахта тайёрлашга эришилди. Шундай қилиб районда бутун ҳосилдорлик 35 центнерданга етказилди ва 61 минг тоннадан кўпроқ пахта сотилди.

Лекин шуни алоҳида қайд қилиш керакки, 1975 йил бирмунча мураккаб келганлиги сабабли пахта ҳосилдорлиги кўнгилдагидек бўлмади. Буни шу фактлар кўрсатиб турибдики, районимиздаги қатор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари дала ишларини йилнинг келишига қарши мақсадга мувофиқ ташкил эта олмадилар. Айниқса, биз чигит экиб бўлингандан кейинги даврда фурсатни бой бериб қўйдик. Бу йилги йўл қўйилган камчиликлар барча колхоз ва совхозларда бўлиб ўтган партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида атрофлича очиб ташланди ва уни такрорламаслик, олдимиздаги янги вазифаларни шараф билан бажариш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Об-ҳаво ноқулай келган йилда ҳам, агар ишлар ҳамма жиҳатдан яхши ташкил этилса, мўл ҳосил етиштириш мумкин эканлигини илғор колхозлар мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳамид Олимжон номли колхоз партия ташкилоти, колхоз правлениеси билан ҳамкорликда иш олиб бориб, барча коммунистларни, қишлоқ меҳнаткашларини табиат инжиқликларини бартараф этишга тўла сафарбар қила олди. Кўкламда, ёзда ва йиғим-терим кунларида социалистик мусобақа байроғи баланд кўтарилди. Ҳамма ишда коммунистлар авангардлик намуналарини кўрсатдилар. Шу билан бирга улар бошқаларни ҳам фидокорона меҳнат қилишга, отиб келган йилда ишни қандай ташкил этиш, масъулиятни тўла ҳис қилишга чақирдилар. Шунинг натижасида колхоз ҳар гектар ердан 38,2 центнердан ошириб пахта йиғиб олди. Агар райондаги бошқа хўжаликларда ҳам бу колхозда амалга оширилган ишлар қилинганда эди, ҳосилдорлик умуман камайиб кетмаган бўларди.

Докладда таъкидлаганидек, қатор хўжаликларда минерал ва маҳаллий ўғитлардан фойдаланиш, айниқса органик ўғитларни ерларга кўплаб чиқариб солиш ҳали ҳам кўнгилдагидек эмас. Илғор хўжаликларда бир килограмм азот ҳисобига — 16 килограммдан пахта етиштирилаётгани ҳолда, баъзи колхоз-совхозларда унинг миқдори 10 килограммни ташкил этаётирки, бундай жойларда далаларни бегона ўтдан тозалаш, ерга солинган ўғитларнинг тўлалигича гўза иноқларига сингдириш учун ҳамон яхши ишланмаётир.

Оққўрғон районида колхоз ва совхозлар кадрларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш юзасидан кейинги йилларда ибратли ишлар қилинди. Жуда кўп бригада ва звеноларга олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган ишчан, ташкилотчи кишилар раҳбарлик қилмоқдалар. Механизаторлар ўз савияларини тинмай ошираётирлар. Техниканы бошқариш соҳасида тажриба орттирмоқдалар. Бундан кишилар ишлаётган бригада, колхоз, фермаларда маҳсулот етиштириш кўпаймоқда, унинг таннархи йил сайин камаяётир.

Конференцияда бу фактлар таъкидланиш билан бирга келгуси йилларда пахтачиликни, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш юзасидан ишни шу талаб даражасида олиб бориш вазифаларини кўрсатиб ўтилди. Механизациянинг кенг қўлланиш, қўшқаторлаб чигит экишни кенг жорий қилиш, техникадан фойдаланиш даражасини тинмай ошириш йўли билан келгуси йилларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш тадбирлари белгилаб берилди.

Конференцияда бошланғич партия ташкилотлари иш фаолияти кенг муҳокама қилинди. Колхозчилар, механизаторлар, совхоз ишчилари, саноат, корхоналари қолдектривлари ўртасида оммавий-сиёсий ишлар савиясини юқори поғонага кўтариш, муваффақиятларга эришиш факторларидан бири эканлиги алоҳида айтиб ўтилди. Партия ташкилотлари қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини, уларнинг маданий ҳаётини ҳар томонлама яхшилаш юзасидан анчагина ишлар қилган бўлсалар ҳам ҳали бу соҳадаги вазифалар тўла бажарилди, деб бўлмайди. Сиёсий доклад-чилар, агитаторлар қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида лекция пропагандаси, суҳбатларни бугунги талаб асосида олиб бориш тўғрисида жиддий ўйлашлари керак.

Конференцияда танқид, ўз-ўзини танқид руҳи сезилиб турди. Музокарага чиққан делегатлар район партия ташкилоти иш фаолиятини тўла муҳокама қилдилар. Улар эришилган ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар.

«Ленинобод» колхози партия ташкилотининг секретари ўртоқ **А. Маҳмудов** колхоз коммунистларининг иши тўғрисида гапириш билан бирга, хўжаликда бу йил йўл қўйилган камчиликлар, ҳосилдорлик жиҳатдан бригадалар ўртасидаги кескин тафовут нима учун содир бўлганлиги сабабларини гапириб берди. Донғдор пахтакор Талас Газатов раҳбарлик қилаётган бригада 46,5 центнердан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Пўлат Тошхўжаев бригадаси 45 центнердан пахта етиштирганлари ҳолда колхоздаги айрим бригадалар ҳосилдорликни бултургига қараганда камайтириб юбордилар. Бунга келгуси йилда йўл қўйилмайди.

Конференцияда сўзга чиққан район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиги **Ҳ. Қаҳрамонов** колхоз-совхозларда ирригация-мелиорация ишларини яхшилашда Бўка ва Янгийўлда жойлашган ПМК ташкилотлари ўз вазифаларини яхши бажармаётганликларини ҳаққоний сўраттда танқид қилди.

Навоий номли колхоз механизатори **Б. Пошалиев** ўзи бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси ишлари тўғрисида батафсил сўзлади. Бу бригада якуловчи йилда гектаридан 47 центнердан ҳосил йиғиб олган. Топширилган 262 тонна пахтанинг 210 тоннасини Пошалиевнинг ўзи терib берган. Механизатор **Л. Хошимова** ўзи ишлаётган Карл Маркс номли колхозда ҳосилдорлик камайиб кетганлигини очиш билан тенгириб берди. Шу билан бирга у бу соҳада йўл қўйилган камчиликларни юз хотир қилмай очиб ташлади.

Шунингдек, конференцияда Ҳамид Олимжон номли колхоз раиси **Ҳ. Эргашев**, район ижроия комитети раисининг ўринбосари **У. Мирзақулов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Нишонов**, «Оққўрғон» совхози сут соғувчиси **А. Салова**, район халқ контроли комитетининг раиси **И. Иброҳимов**, район медицина ходимлари номидан **А. Редкина**, Оққўрғон пахта тозалаш заводидан **А. Турсунов**, район ижроия комитети ички ишлар бўлими бошлиғи **Х. Комилжонов**, Алимкент пахта тозалаш заводидан **Ким Роман**, С. Сегизбоев номли совхоз директори **А. Омонбоев** ва бошқа ўртоқлар музокарага чиқиб сўзладилар.

Конференцияда область партия комитетининг секретари **М. Камолов** нутқ сўзлади.

Конференцияда тегишли резолюция қабул қилинди.

Конференцияда район партия комитети, ревизия комиссиясининг состави, область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Конференцияда сайланган район партия комитетининг тақдилий пленуми бўлиб ўтди. Пленумда район партия комитетининг биринчи секретари қилиб **А. Икромов**, район партия комитетининг иккинчи секретари қилиб **К. А. Ким**, район партия комитетининг секретари қилиб **С. Ж. Иўлдошева** ўртоқлар сайландилар.

С. МАҲКАМОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасидаги бутун аҳолининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда Германия Бирлашган Социалистик партиясининг ҳисобот-сайлов кампанияси бошланди. Бу кампания немис социалистик ишчи-деҳқонлар давлатининг ҳаётида, партиянинг IX съездига тайёргарликда муҳим босқич бўлиб қолади. Республикадаги 1,9 миллиондан ортиқ коммунистни бирлаштирувчи 73400 бошланғич, район ва округ партия ташкилотлари бажарилган ишларни якунлаштирадилар, Германия Демократик Республикасида ривожланган социалистик жамиятни қуриш соҳасидаги янги вазифаларни белгилайдилар.

Германия Бирлашган Социалистик партияси съездини бутун жамиятнинг синалган раҳбар ва ташкилотчи кучи сифатида кутиб олмоқда. Бу партия ГДР-даги бутун халқнинг чуқур ишончига сазовор бўлди ва халқ уни қўллаб-қувватламоқда. Германия Бирлашган Социалистик партиясининг VIII съездидан буён ўтган даврда 240 мингдан знёд киши партия сафига қабул қилинганлигини айтиб ўтиш кифоя. Уларнинг 78 проценти ишчилардан иборат.

(ТАСС).

ПОРТУГАЛИЯДАГИ ВАЗИЯТ

ЛИССАБОН, 2 декабрь. ТАСС мухбири Э. Ковалев хабар беради:

Лиссабон ҳарбий округи территориясида фавқулодда ҳолат бугун эрталабдан бекор қилинди. Португалия президенти Ф. Да Кошта Гомеш радио ва телевидение орқали сўзга чиқиб шуни маълум қилди. У португалларни мамлакатда «тинч вазият»ни барқарор қилишга эришиш учун бутун кучларини сафарбар этишга чақирди.

Фавқулодда ҳолатнинг бекор қилиниши мамлакат прогрессив ва демократик жамоатчилигининг, сўл сиёсий партиялар, шу жумладан Португалия Компартиясининг демократик эркинликлари ҳамда граждан ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги талабларига мувофиқдир.

Кеча президент саройида давлат бошлиғи Португалиядаги сиёсий партияларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашди. Хабар беришларича, президент Кошта Гомеш коммунистик, социалистик ва халқ демократик партияларининг бош секретарларини қабул қилган.

Лиссабон матбуотининг хабар беришича, Кошта Гомеш Португалиядаги барча сиёсий партияларнинг раҳбарларига мурожаат қилиб, уларни «яқин кунлар мобайнида бирон бир намойиш ўтказмаслик чораларини кўришга» даъват этган. Чунки маълумотларга бу намойишлар Португалия пойтахтида «тартибни бузишга» олиб келиши ва фавқулодда ҳолат бекор қилинганлигини хавф остида қолдириши мумкин, деб хавфсирамоқдалар.

У сиёсий партияларнинг раҳбарларидан «кейинги кунлардаги ҳарбий-сиёсий кризис пайтида маҳсулот ишлаб чиқариш камайганлигининг ўрнини қоплаш учун саноат ишлаб чиқариш даражасини ошириш зарур эканлигини назарда тутиб шу кунларда иш ташлаш ўтказилишига йўл қўймаслик мақсадида» ўз таъсирларидан фойдаланишларини илтимос қилди.

Президент шунингдек барча сиёсий партияларнинг активларини ва ҳайриҳоҳлар ўзларидаги қурол ва радиопередатчикларни ихтиёрий равишда топширишларига кўмаклашишга шу сиёсий партияларнинг раҳбарларини даъват этди.

Вужудга келган кризисни сиёсий йўл билан ҳал этишни излаш ҳозирги шароитда энг муҳим вазифа бўлиб, коммунистик партия буни ишчилик билан талаб қилиб келмоқда.

КУБА ХАЛҚ АРМИЯСИНИНГ БАЙРАМИ

ГАВАНА, 2 декабрь. (ТАСС). Бу ерда Куба революцион қуролли кучлари куни шарафига ҳарбий парад бўлди. Ҳарбий парадда Куба Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Куба революцион қуролли кучлари министри Раул Кастро, партия ва ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари, шунингдек Перу, Португалия ва Панама миллий гвардиясининг ҳарбий делегациялари ҳозир бўлдилар.

Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, революцион қуролли кучлар министрининг ўринбосари Оскар Фернандес Мель парад қатнашчиларига қарата сўзлаган нутқида Куба социалистик ғалабаларини сергаклик билан ҳимоя қилаётган қуролли кучларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлигига юксак баҳо берди.

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯДА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИ

ВЕЛИНГТОН, 2 декабрь. (ТАСС). Янги Зеландиянинг бир палатадан иборат парламентига навбатдаги сайлов ўтган шанба куни кеч кириб сиёсий кураш вазиятида ўтди. Бу гал лейбористларнинг асосий рақиби Роберт Малдун бошчилигидаги миллий партия ғалаба қозонди. Бу партия 53 ўрин, лейбористлар партияси 34 ўрин олди. Шундай қилиб миллий партия парламентда 19 та кўп ўринга эга бўлди. Бундан илгари, 1972 йилда бўлиб ўтган сайловда лейбористлар парламентда 87 ўриндан 55 ўринга эга бўлиб, катта ғалабага эришган эдилар.

Маҳаллий матбуот бутун капиталистик дунёда вужудга келган иқтисодий кризис натижасида Янги Зеландия тушиб қолган ноқулай иқтисодий аҳвол лейбористларнинг маглубиятга учрашига муайян даражада сабаб бўлди, деб таъкидлади.

ПЕКИН КЕСКИНЛИКНИНГ ЮМШАТИЛИШИГА ҚАРШИ

ПЕКИН, 2 декабрь. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Форднинг ХХРга расмий визити муносабати билан ўтказилган қабул маросимида давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Дэн-Сяо-Пин нутқ сўзлади. У ўз нутқида халқаро кескинликни юмшатиш жараёнига ва Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатига сурбетларча қаршн чиқди. У, жумладан, «уруш омили» кучайиб бормоқда, деб даъво қилди ва «тинчлик тўғрисидаги хом хаёлларга барҳам бериш» га даъват этди. Шу муносабат билан у маочилар пропагандасининг «туннелларни чуқур қилиб қазиш» ва «ғаллани запас қилиб қўйиш» зарурлиги тўғрисидаги маълум тапларни такрорлади.

Давлат кенгаши бош министри ўринбосарининг нутқидан маълум бўлишича, Европанинг сиёсий иқлимида рўй берган ва хавфсизлик ҳамда ҳамкорликка бағишланган Хельсинки кенгаши муваффақиятли тугалланганидан кейин жуда аз бўлиб қолган самарали ўзгаришлар Пекин раҳбарларининг жиғига тегди. Дэн Сяо-Пин халқаро кескинликнинг юмшатилишига дог туширишга уринib, Европанинг ҳудди ўзи гўё «олишувнинг стратегик маркази» ва бу олишув «муқаррар янги жаҳон урушига олиб келади», деб даъво қилди. Дэн Сяо-Пин Совет Иттифоқи шаънига ғаламислик билан айтган гапларда СССР «урушнинг энг хатарли ўчоғи» дейишдан ҳам тоймади ва «барча кучлар»-ни бирлаштиришга даъват этди. «Бу кучлар» билан биргаликда «найзага қарши найза солиб курашиш мумкин», деди. Дэн Сяо-Пин АҚШ билан СССР ўртасидаги муносабатларда кескинликнинг юмшатилиши Америкапинг нотўғри сиёсати деб айтгани ҳолда маочилар Хитойнинг АҚШ билан яқинлашувини ёқлаб чиқди.

Ж. Форд ўзининг жавоб нутқида бундай деди: ўтган йиллар мобайнида халқаро вазиятда кўп ўзгаришлар рўй берди. Жаҳон ҳаммамизни хавф-хатарларга дучор қилиш билан бирга имкониятлар ҳам очиб берди. Қўшма Штатлар хавф-хатарни камайтиришга ҳам, ҳам ҳаёлларга берилмай тинчлик учун янги имкониятларни қидириб топишга ҳам интилаверади. Биз ер курраснни тобора тинч-осойишта қуррага айлантириш учун зўр ғайрат билан ҳаракат қилаверамиз.

Шу билан бирга, президентнинг даъвосича, «ҳозирги вазият куч, ҳушёрлик ва қатъиятни талаб этади».

Ж. Форднинг Хитойга қилган сафарида унга ҳамроҳ бўлган Америка журналистлари қуйидагиларни таъкидлаб ўтишди: Дэн Сяо-Пин нутқи шу қадар бехаё ва тинчлиқни юмшатиш сиёсатига нисбатан бу қадар душманлик руҳи билан суғорилган эдики, ҳатто АҚШ президенти ҳам шу текет билан танишиб чиққанидан кейин ўз нутқида Хитой вакилининг гапларига «қатъийроқ» жавоб бериш имкониятларини ўйлаб кўрди. Шу муносабат билан Америкапинг етакчи газеталаридан бири қуйидагиларни уқтириб ўтди: «Америка ҳукумати СССР билан муносабатлардаги кескинликни юмшатиш соҳасида ўтказиб келаётган сиёсат ҳусусида Дэн Сяо-Пин шовқин-сурон кўтаришига қарамай, Ж. Форд стратегик қурол-яроғлар соҳасида Совет Иттифоқи билан бир битимга келиш ва бошқа хилдаги битимларни тузиш йўлини давом эттираверади».



ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛ МАРРАСИ ЭГАЛЛАНДИ

КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил бел боғлаган Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозининг меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг якуловчи йилини муваффақиятли якунладилар. Давлатга 8330 ўринга 8450 тонна сабзавот маҳсулотлари топширдилар.

Колхозда йиллик планнинг муддатидан илгари бажарилишига Озод Юнусов, Соҳиб Собиров, Абдушукур Исломов ва Эргаш Норимов бошлиқ бригада аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. Хўжаликда бир неча йилдан буён план бажарилмай келарди. Бунинг сабабларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатиш чоралари кўрилди. Ердан, механизациядан, ишчи кучидан самарали фойдаланилди. Алмашлаб экиш жорий этила бошланди, ва социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилди. Шу туфайли янги марра эгалланди.

Колхозда ҳозир келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратишга тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Ерларни шудгорлаш ва ўғитлаш, далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ва бошқа кузги-қишки тадбирлар жадал амалга оширилмоқда.

Қ. НУЛДОШЕВ.

ЯНГИ ТЕРИМ АГРЕГАТЛАРИ

Республикамиз «оқ олтин» хирмонини юксалтиришда замонавий техниканинг роли беқиёс. Бунда айниқса «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган «зангори кеме»ларнинг ҳиссаси катта. Завод инженер-техник ходимлари ва новаторлари йил сайин мавжуд терим агрегатларининг конструкциясини такомиллаштириш ҳамда янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш устида изланишлари. Бу изланишлар яхши самаралар бермоқда.

Корхонада ҳозирги кунда «ХВА-1,2» ҳамда «ХВБ-1,8» маркали машиналарнинг тажриба нусхалари тайёрланмоқда. Бу машиналар 60 ва 90 сантиметр оралиқдаги ғўзалар ҳосилини йиғиб-териб олишга мўлжалланган. Лекин, уларнинг афзаллиги бунда эмас. Янги машиналар яруслн терим учун мўлжалланган. Яъни, ғўза тупининг пастидаги ҳосил бошқа бункернинг бир қисмига терилса, юқорисидаги ҳосил бункернинг иккинчи ажратилган қисмига тушади. Натижада, пахта сифатини ажратишда катта қулайлик яратилади. Чунки, ғўзанинг паст қисмидаги ҳосил юқори қисмидагига нисбатан бўлиқ, сифатлироқ етилади.



ФРАНЦИЯ. Марселль соҳилида тоннадаб балиқлар сасиб ётибди. Балиқчилар ўз маҳсулотларини шаҳар бозорига чиқармадилар. Улар балиқнинг нархи кескин пасайиб кетганлиги сабабли 133 тоннадан знёд ўлжаларини денгизга ташладилар.
Кейстон-ТАСС фотоси.

БЎСТОНЛИҚ. «Ҳўжакент» совхози сабзавоткорлари шудгорга алоҳида эътибор беришмоқда. Суратда: 2-бўлим далаларида шудгор пайти. (Чапдан) бўлим бошлиғи Мирҳолиқ Қорабоев тракторчи Иўлдош Назаров билан шудгор сифатини кўздан кечирмоқдалар.

И. Портнов фотоси.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

XV ЧАҚИРИҚ МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ III СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент область ижроия комитети **қарор қилади:**

I. XV чақириқ меҳнаткашлар депутатлари — область Советининг III сессиясн 1975 йил 15 декабрда чақирилсин.

Кун тартиби:

1. Тошкент область ҳалқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976 йилги плани тўғрисида.

Докладчи — область план комиссиясининг раиси А. А. Валиев.

2. Тошкент областининг 1976 йилги маҳаллий бюджети ва 1974 йилги маҳаллий бюджетининг бажарилиши тўғрисида.

Докладчи: область молия бўлимининг мудири ўртоқ Я. К. Элчибеков.


Қўшимча докладчи: область Совети план-бюджет комиссиясининг раиси ўртоқ В. М. Муҳамедов.

3. Меҳнаткашлар депутатлари область Совети ижроия комитетининг ҳисоботи.

Докладчи: область ижроия комитетининг раиси П. Ю. Юсупов.

II. Область Советининг сессиясига область ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва районлар ижроия комитетларининг раислари, шаҳар ва районлар план комиссиялари раислари, шаҳар ва районлар молия бўлимларининг мудирлари, қишлоқ ва посёлка Советларининг раислари таклиф қилинадилар.

Область ижроия комитетининг раиси
П. ЮСУПОВ.
Область ижроия комитетининг секретари
А. НАЗАРОВ.



Тошкент ёғ-мой комбината тида тайёрланаётган маҳсулотлар аъло сифати билан бутун мамлакатга танилган. Суратларда: (юқоридан пастга) илғор ишчи М. Қосимова иш устида; маргарин ёғи тайёрлайдиган янги линия; тажрибали ишчилардан Д. Саидова билан оператор Л. Носова тайёрланаётган маҳсулот сифатини кўздан кечиришаётир.

В. Салов фотолари.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ОЗУҚА ЭКИНЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

КПСС XXIV съезди қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноатнинг хом ашёга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгилади. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан чорвачиликнинг ривожланишига боғлиқдир.

Тошкент областининг меҳнаткашлари чорвачиликни янада юксалтириш соҳасида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун астойдил курашмоқдалар. Чорвачиликдаги ишларни ташкил этиш формаси такомиллаштирилиб, улар планли равишда механизациялашмоқда. Лекин, чорва молларни озуқа билан таъминлаш масаласи худди илгаригидек чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишнинг асосий фактори бўлиб қолмоқда. Областнинг колхоз ва совхозлари буни эътиборга олиб, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлидан қатъий бормоқдалар.

Бир қатор хўжаликларда бедани судан ўтига аралаштириб экиш усули кенг қўлланилмоқда. Масалан, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида бир неча йилдан буён беда судан ўтига аралаштириб экиб келинмоқда ва улардан мўл ҳосил олинаётир. Бунда беда етиштириш агротехникаси ўзгармасдан қолаётир. Беда экиб бўлингач, гектарига 8—10 килограммдан уруғлик сарфлаган ҳолда судан ўти қатор орасининг кенглиги 30 сантиметр қилиб ва уруғни 3—4 сантиметр чуқурликка ташлаб экилаётир. Беда судан ўти билан биргаликда 4—5 марта ўрилмоқда ва 122 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 81,5 центнердан пичан олинмоқда. Ўтган йиллари судан ўтига аралаштириб экилган 201 гектар эски беданинг гектаридан 1973 йили 183,6 центнердан пичан ёки 8446 озуқа бирлиги ва 1800 килограмм ҳазм бўлувчи протеин, 1974 йили 407 гектар эски беданинг гектаридан 162 центнердан пичан ёки 7452 озуқа бирлиги ва 1588 килограмм ҳазм бўладиган протеин тайёрланди.

«Политотдел» колхозида озуқа етиштиришнинг беш йиллик натижаси шуни кўрсатдики, юксак агротехникани қўлланиш натижасида озуқа экинларидан олинаётган ҳосилнинг миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Колхознинг бош агрономи А. Пакнинг айтишича, маккажўхорига аралаштириб экилган беда кутилган натижани бермайди. Беда сийрак бўлиб қолади. Оқибатда биринчи экилган йили ҳам, келгуси йилларда ҳам беданинг ҳосилдорлиги паст бўлади. Беда судан ўтига аралаштириб экилганда эса унинг ҳосилдорлиги биринчи йили ҳам яхши бўлади, келгуси йилларда ҳам ошиб боради.

Колхозда маккажўхорига ҳашаки лавлаги аралаштириб экилмоқда ва ҳар икки экиннинг ҳам ҳосилдорлиги тобора ошиб бормоқда. Мисол учун, агар 1971 йили аралаштириб экилган маккажўхорининг гектаридан 578 центнердан кўпроқ ёки 9899 озуқа бирлиги ва 420 килограмм ҳазм бўладиган протеин, ҳашаки лавлагининг гектаридан 238 центнердан ҳосил ёки 4094 озуқа бирлиги, 309 килограмм ҳазм бўладиган протеин олинган бўлса, 1974 йили маккажўхорининг гектаридан 747 центнердан кўпроқ ёки 12923 озуқа бирлиги, 672 килограмм ҳазм бўладиган протеин, ҳашаки лавлагининг гектаридан 806 центнердан ҳосил ёки 13863 озуқа бирлиги, 1048 килограмм ҳазм бўладиган протеин олинди.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозида беданинг ҳосилдорлиги йил сайин кўпаймоқда. Бу ерда эски беданинг гектаридан 1971 йили 98,8 центнердан пичан ёки 4545 озуқа бирлиги, 968 килограмм ҳазм бўладиган протеин олинган бўлса, 1974 йилга келиб ҳар гектар ердан олинган беда пичанининг миқдори 146 центнерга етдики, бу 6716 озуқа бирлиги ва 1431 килограмм ҳазм бўладиган протеинга тенгдир. Шу райондаги Ким Пен Хва номли колхозда ҳам ўтган йиллари экилган бедадан мўл ҳосил олиняпти. Хўжаликда маккажўхори донининг ҳосили ҳам мўл бўлмоқда. Унинг ҳосилдорлиги 1974 йили 1971 йилдагига нисбатан қарийб икки баробар ошди ёки 36,4 центнердан 66,2 центнерга кўтарилди. Колхозда маккажўхори донидан бу йил ҳам мўл ҳосил етиштирилди.

Ким Пен Хва номли колхозда бу йил 50 гектар ерга маккажўхорининг «Югославия гибриди» нави хашаки лавлагининг «Сариқ экендороф» навига аралаштириб экилган эди, унинг агротехникаси қуйидагича бўлди: ерни кузда шудгорлаш олдидан гектарига 200 килограммдан суперфосфат ва 100 килограммдан калий 35 сантиметр чуқурликка солинди. Ер эрта баҳорда (20 мартда) текисланди ва чизелланди ҳамда ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларнинг илдизлари териб ташланди. Сўнг ер узунасига ва кўндалангига бароналанди. Уруғ 2 тадан, қатор орасининг кенглиги 90 сантиметр қилиб экилди. Сеялка маккажўхорини лавлаги билан бир йўла экадиган қилиб қайта мосланди. Экилган маккажўхори ва лавлаги уруғи 8 кундан кейин униб чиқди. Ҳар гектар ерга 13 килограммдан маккажўхори ва 15 килограммдан лавлаги уруғи сарфланди. Фақат лавлаги ягона қилинди ва ҳар 15—20 сантиметр жойда биттадан — бир гектар ерда 37 мингта ўсимлик қолдирилди. Маккажўхори ниҳолларининг қалинлиги эса гектарига 35—38 минг тупга тўғри келди.

Яганалашдан кейин бир йўла ўтоқ қилган ҳолда экин қатор ораларидаги тупроқ культивацияланиб юмшатилди. Сўнг гектарига 400 килограммдан аммиак селитраси солган ҳолда яна культивация ўтказилди ва экин суғорилди. Биринчи суғоришдан кейин гектарига 100 килограммдан фосфор ва 50 килограммдан калий тузи солиб бир йўла суғориш эгати олган ҳолда навбатдаги культивация ўтказилди. Шундан сўнг экин иккинчи марта суғорилди. Пайдо бўлган бегона ўтлар ўтоқ қилинди ва маккажўхори бачкилари юлиб ташланди. Экин ҳаммаси бўлиб беш марта суғорилди. Маккажўхори «Херсонец—7» маркали комбайн билан 10 августда ўрила бошланди. Маккажўхори донидан ҳам, баргли поясидан ҳам мўл ҳосил олинди.

Маккажўхори ўриб олингач, лавлаги қатор оралари гектарига 100 килограммдан аммиак селитраси солган ҳолда культивация қилинди. Сўнг, эгат олиниб суғорилди. Гектаридан 400 центнердан лавлаги олишга эришилди.

Колхозда озуқа экинлари экиш учун ажратилган суғориладиган ерларнинг потенциал имкониятлари бу йил биринчи марта ўрганилди. 22 гектар суғориладиган ерга дон олиш учун экилган маккажўхори ўриб олингач, ўрнига сули рапсга ва жавдар рапсга аралаштириб экилди.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам озуқа экинларидан мўл ҳосил олиняпти. Колхозда озуқа етиштиришнинг бир неча йиллик натижалари анализ қилинганда 1971 йилдан бошлаб барча турдаги озуқа экинларининг ҳосилдорлиги ошиб борганлиги маълум бўлди. Бу ерда алоҳида экиладиган асосий озуқа экинлари билан бир қаторда, 1972 йилдан бошлаб бедани судан ўтига ва маккажўхорини хашаки лавлагига аралаштириб экиш усули ҳам кенг қўлланилмоқда. Бедага аралаштириб экилган судан ўтидан тобора кўп ҳосил етиштирилаяпти. Масалан, 1972 йили 350 центнерга, 1974 йили 599 центнерга етди. 1975 йили эса 600 центнердан ҳам ошиб кетди ёки бир гектар ҳисобига 12000 озуқа бирлиги ва 1140 килограмм ҳазм бўладиган протеинни ташкил этди.

Маккажўхорига аралаштириб экилган хашаки лавлагининг гектаридан 1971 йили 69 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1974 йили унинг ҳосилдорлиги гектар бошига 300 центнерга етди.

Бундан ташқари колхозда суғориладиган ерлардан максимал даражада ҳосил олиш мақсадида турли хил экинларни такрор экиш усули ҳам кенг қўлланилмоқда.

Хўжаликда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва барқарор ҳосил олиш мақсадида далаларни алмашлаб экишга, кондицияли уруғликни, минерал ва маҳаллий ўғитларни ўз вақтида тайёрлаб қўйишга алоҳида аҳамият берилади. Бунда у ёки бу экиннинг ўғитларга бўлган талаби эътиборга олинади, уларни ўстириш агротехникаси қоидаларига қатъий равишда риоя қилинади, фан эришган муваффақиятлар ва илғор тажриба қунт билан жорий этилади.

Янгийўл районидаги «Ленинизм», Чиноз районидаги Охунбобоев номли, «Қизил Октябрь» колхозлари, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Димитров номли колхоз, Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз, «Оққўрғон» совхозида ва бошқа бир қатор хўжаликларда ҳам ўтган йиллари экилган беда, дон олиш учун экилган маккажўхори ва лавлагидан йил сайин мўл ҳосил олинмоқда. Бу хўжаликларда 1974 йили эски беданинг гектаридан 140—280 центнердан пичан, дон учун экилган маккажўхорининг гектаридан 60—80 центнердан дон, лавлаги аралаштириб экилган маккажўхорининг гектаридан 400—600 центнердан кўпроқ ва 400—750 центнердан лавлаги етиштирилди.

Тошкент областининг колхоз ва совхозларида озуқа экинлари ҳосили етиштиришга тааллуқли маълумотлар ҳисоб-китоб қилинганда асосан қуйидаги хулосага келинди:

Янги экилган беданинг ердан тўла ва самарали фойдаланиш учун унинг ёлғиз ўзини эмас, балки судан ўтига аралаштириб экиш лозим. Бунда гектарига 20 килограммдан беда уруғи, 8—10 килограммдан судан ўти уруғи сарфлаш тавсия этилади.

Айрим хўжаликлар дон учун маккажўхорини хашаки лавлагига аралаштириб экиб, бир майдоннинг ўзидан гектар бошига 60 центнергача дон, 250—300 центнер баргли маккажўхори пояси ва 400 центнергача лавлаги олмоқдалар.

Лекин, кўпчилик хўжаликларда лавлагига аралаштириб экиш ва ўстиришнинг агротехникаси қоидаларига риоя қилинмаяпти. Натижада ҳосил кам бўляпти. Андижон областидаги Балиқчи райони деҳқонларининг аралаштириб экиладиган маккажўхори ва лавлагини қўшқаторлаб экиш тажрибасини кенг қўлланиш керак. Бу усул ҳосилдорликни кескин оширши ва ҳар гектар ердан имкони борича кўпроқ озуқа олиш имконини беради.

Областнинг айрим хўжаликларида озуқа етиштириш тажрибаси шуни кўрсатдики, суғориладиган ерларнинг ҳар бир гектаридан кўпроқ маҳсулот олиш учун экинларни экиш ва агротехникаси усулларини кенг қўлланиш, уларни аралаштириб, такрор экиш, оралиқ экинларини экишни жорий этиш ҳар жиҳатдан муҳимдир.

Х. ИБРОҲИМОВ,
А. АЗИМОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институтининг илмий ходимлари.

ГРАЖДАН МУДОФААСИ— УМУМХАЛҚ ИШИ

Граждан мудофааси системаси Улуғ Ватан уруши йилларида аҳоли яшайдиган пунктлар ҳамда муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларни душмандан муҳофаза қилишда, эл мулкини кўз қорачиғидек сақлашда ноёб ғоявий-ҳарбий ишончнинг, ватанпарварлик ва интернационализм намуналарини кўрсатдилар.

Улар маҳаллий ҳаво ҳужумига қарши мудофаада, замонавий ҳарбий қуроллардан ҳимояланишда, авария-ларни бартараф этиш ва қайта тиклаш ишларини бажаришда катта тажриба тўпладилар. Мудофаачилар жасорати билан неча минглаб ватандошларимизнинг ҳаёти сақлаб қолинди, оғир шароитларда ҳам саноат корхоналарининг бир меёрда ишлаши таъминланди.

Граждан мудофааси системаси урушдан кейинги йилларда ташкилий жиҳатдан яна ҳам мустаҳкамланди. Жойларда штаблар, махсус ўқувлар ва машқлар ташкил этилди. Ўқиш программалари такомиллаштирилиб, ягона таълим системаси яратилди. Эндиликда ҳар йили 1 декабрда Совет Қуролли кучлари билан биргаликда граждан мудофааси системасида ҳам янги ўқув йили зўр уюшқоқлик билан бошланмоқда.

1975—1976 ўқув йилига барча жойларда пухта ҳозирлик кўрилган ҳолда келинди. Ўқув ташкилотчилари машғулотлар давомида тингловчиларни тўққизинчи беш йилликда совет халқи қўлга киритган меҳнат муваффақиятлари билан, КПСС XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа самаралари билан таништирадилар. Уларни Ватан мудофаасига тайёр туришга, ҳарбий билимларни пухта эгаллашга, уруш шароитида муваффақиятли ҳимояланишни ўрганишга даъват этадилар.

Беш йилликнинг сўнгги йили воқеаларга бой бўлди. Бу йил биз шонли сана — немис фашизми устидан совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 30 йиллигини кенг нишонладик. Ўттиз йиллик байрам тантаналари давомида уруш ва меҳнат ветеранлари, граждан мудофааси активларидан катта бир группаси Москва, Ленинград, Киев, Волгоград, Одесса, Новороссийск, Керчь каби қаҳрамон шаҳарларда бўлиб, ўзлари жанг қилган жойлар билан яна бир бор таништилар, меҳнаткашлар билан учрашдилар. Уруш йиллари бу шаҳарларда ҳаво ҳужумига қарши мудофаа штаблари, қисм ва отрядлари тузилган эди. Уларнинг тажрибаси граждан мудофааси шахсий составини ўқитишда ва тарбияланда эндиликда қўл келмоқда.


Граждан мудофааси бўйича бу йилги амалий ўқув марказий шаҳарлар, қардош республикалар билан бир қаторда Ўзбекистонда ҳам пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда бошланди. Эндиликда бутун эътибор граждан мудофааси ишини янада яхшилашга, кўзланган режаларни тўла амалга оширишга қаратилади.

Биз амалий ўқиш методларини такомиллаштиришда бой тажриба тўплаганмиз. Ўқув тажрибалар асосида объектларда комплекс, умумлаштирилган, ҳар турли машқларга ўтиш имкони яратилмоқда. Ҳозир граждан мудофаасининг планига кўра машқларни район ва шаҳар территориал шоҳобчалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда умумлаштирилган ҳолда ўтган тадбирларни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Улар граждан мудофааси машқларини уюштиришда етакчи бўлмоқдалар.

Бу йилги ўқув давомида қардош республикаларда тўпланган тажрибалар асосида район комплекс машқлари ўтказишни мўлжалламоқдамиз. Жойлардаги граждан мудофаасининг барча тармоқларини намунали тайёрлаш, командирлар ва бошлиқлар составини сифатини яхшилаш ва улар маҳоратини ошириш мақсадида граждан мудофааси кўсларига нисбатан талабчанлик ўсади. Курсларнинг фаолияти қанчалик яхши бўлса, кадрлар савияси ва маҳорати шунчалик ошади, машқлар намунали ташкил этилади.

Барча жойларда бўлгани сингари граждан мудофааси системасида ҳам партиямизнинг бўлажак XXV съездини муносиб кутиб олиш учун қизғин мусобақа кетмоқда. Жойлардаги штаблар, командалар ва бўлимлар граждан мудофааси ишига масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда киришмоқдалар. Янги ўқув йилида амалий машғулотларни юксак савияда ўтказиш, ўқув ҳамда тактик машқларни сифатли ташкил этиш, ўқув базаларини замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва кенгайтиришда янги-янги муваффақиятларга эришамиз.

Генерал-майор
С. ОХУНЖОНОВ,
Ўзбекистон граждан мудофааси штабининг бошлиғи.



Ўтган йили Тошкентда Республика ахборот ҳисоблаш маркази иш бошлаган эди. Бу ерда ҳаракатда бўлган «ақлли» машиналар аloқа ишлари билан боғлиқ муҳим ишларни амалга оширмоқда. Шуннигдек, турли илмий программалар ҳам ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Суратда: ҳисоблаш марказининг операторларидан Р. Салтикова билан Г. Галиевалар.

Т. Каримов фотоси.

ЎҚУВЧИ КАСБ ТАНЛАМОҚЧИ

МАКТАБЛАРАРО КОМБИНАТ

ЎРТА умумий таълим мактабларининг юқори синфлари ўқувчиларини меҳнатга ва касб танлашга тайёрлашни янада яхшилаш мақсадида СССР Министрлар Совети «Мактаблараро меҳнат таълими ва ўқувчиларнинг касб танлашлари бўйича ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

Бу ҳужжатда бундай комбинатларнинг асосий вазифаси ўқувчиларни корхоналардаги меҳнат жараёнлари ва ишчиларнинг меҳнати мазмуни билан таништириш ўқувчиларни касбларни онгли равишда танлашга тайёрлаш мақсадида уларни ҳунарга йўналтиришни амалга ошириш ва бошланғич меҳнат таълимини беришдан иборатдир, деб таъкидланади.

ДАРҲАҚИҚАТ, ўғил-қизларимизнинг истиқболини кўзлаб белгиланган муҳим тадбир бўлди бу! Яхши ният билан жойларда дастлабки мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари тузила бошланди. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи ҳам яхши ташаббус кўрсатиб, республикамизда биринчи бўлиб ҳайрли ишга қўл урди.

Бундан олдин ҳам корхона Бекободдаги билим ўчоқлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган эди. Унинг цехлари меҳнатсевар ўқувчилар учун ҳам чиниқиш, ҳам касб-ҳунар ўрганиш мактаби бўлиб хизмат қилди. Завод инженер-техник ходимлари билим ва тажрибаларини ёшлар билан баҳам кўрдилар.

Аммо, ўқув ишлаб чиқариш комбинатини очиш тараддудди ўзгача аҳамият касб этди. Ҳамма иш бошидан бошланди. Шаҳар халқ маорифи бўлими билан бамаслаҳат тузилган режалар тезда рўёбга чиқди.

Корхонада ўқув комбинати учун мустаҳкам моддий база яратилди. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва меҳнат қобилиятлари инобатга олиниб, эмалли металл идишлар цехидан алоҳида участка ажратиб берилди. Кенг ва ёруғ хоналар ишлаб чиқариш қуроллари, асбоб-ускуналар билан таъминланди. Меҳнат дарсларини ташкил этиш ва бошқариш мақсадида маориф бўлими томонидан директорлик штати берилди.

Ўқув комбинатига оталиқ қилишни завод кадрлар бўлими ўз зиммасига олди.

— Ҳозир ўқув комбинатида шаҳримиздаги 16-ва 17-ўрта мактабларнинг юқори синфи ўқувчилари меҳнат кўникмасини ҳосил қилмоқдалар, — дейди кадрлар бўлимининг бошлиғи Э. Валиев. — Таълим жараёнида улар эмал металл идишлар ишлаб чиқариш ихтисослигини эгаллайдилар.

Узингизга маълумки, корхонамизда эмалли металл идишлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу жараён ўзига хос мураккаб соҳа. Келгусида у янада кенгаяди. Агар цехнинг иккинчи навбати ишга тушса, йилига йигирма беш минг тонна эмал идишлар тайёрлашга муваффақ бўламиз.

Шуларни назарда тутиб, мутахассислар малакасини ошириш тадбирларини кўрдик. Новомосковск, Магнетогорск ва Лисьвенск металлургия заводларига юборилган кишиларимиз бой тажриба тўплаб қайтдилар.

Цехимиз тўла қувват билан ишга тушса борми, камида уч минг киши ишлайди унда. Хўш, шунча одамни қаердан оламиз? Республикамизда бундай мутахассис ишчиларни тайёрлаш кенг йўлга қўйилганда йўриғи бошқа эди. Шаҳримиздаги 43-ҳунар-техника билим юрти бу хил касб эгаларини тайёрлашга эндигина киришди. Яна икки йилдан сўнг у ўз кадрларини учирма қилади. Лекин, вақт кутиб турмайди-да!

Шаҳар халқ маорифи бўлими заводнинг бу ташаббусини ўз вақтида қўллаб-қувватлади. Ёшларга ҳунар ўргатишнинг самарали бўлишини ҳисобга олиб, корхона инженер-техник ходимларидан иборат педагогик коллектив тузилди.

Ўқув программа ҳам ишлаб чиқилди. Ўқувчилар билан материалшуносликка асослари, электротехника, химия, эмалдаш технологияси, техника хавфсизлиги бўйича машғулотлар олиб борилади. Ишлаб чиқариш практикаси эса цехнинг ўзида ўтказилади.

Меҳнатсевар ўқувчилар завод ҳафтасига икки кун бўладилар. Шу зайл тўққизинчи синф талабалари икки йил, ўнинчи синф ўқувчилари тўққиз ой ўқув-ишлаб-чиқариш комбинатида таҳсил кўриб, фойдали касб эгаси бўлиб етишадилар. Битирувчиларга биринчи ёки иккинчи разряд берилади. Қўлидаги гувоҳномаси билан заводга келган ўсмир ярим йил белгиланган шогирдлик муддатини ўтамай, тўппа-тўғри ишчи бўлиб ишлайверади. Маоши ҳам жойида бўлади.

Республикамизда биринчи бўлиб ташкил қилинган бу ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида назарий ва амалий машғулотлар уюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Ҳозирча Бекобод шаҳридаги 16-ва 17-ўрта мактаблардан 328 ўқувчи ўқув цехига тортилган. Улар тўрт группага бўлиниб, С. Гизатулина, И. Мордиш, О. Снегирова, Н. Михеев каби малакали инженер-техник педагоглар қўлида касб-ҳунар ўрганишаётир. Цехнинг бошқа мутахассислари ҳам ёшларга мураббийлик қилишади.

Комбинат талабалари сони келгуси ўқув йилида 600 кишига етади. Шунга яраша ўқув базаси ҳам кенгаяди. Қўшимча мутахассис-ўқитувчилар олинади.

Меҳнат таълимидаги бу янгилик ўзига ящик йўл топди. Узбекистон металлургия заводи ўқув комбинати тажрибаси бошқа корхоналарда, ҳам бундай даргоҳларни ташкил этиш учун кенг йўл очади.

А. АЛИЕВ.


ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Бекобод районидаги «Октябрь 46 йиллиги» совхозида 20 га яқин миллат ва элат вакиллари қўлни-қўлга бериб, меҳнат қилиб, она-Ватанга пахта, шоли, чорва ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқдалар.

Совхоз партия комитети ўз фаолиятида меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш масалаларига катта аҳамият беряпти. Хўжаликда халқлар дўстлигига бағишлаб лекция ва суҳбатлар ўтказилиб туради. Совхоз партия комитетининг секретари Т. Қўзибоев, 20-мактаб илмий ишлар бўлимининг мудири В. Звягина ва совхоз ишчиси А. Анларнинг интернационал тарбияга онд темалардаги суҳбатлари ишчи-хизматчиларга манзур бўлди.

Совхоз меҳнаткашлари ҳамкорлик билан меҳнат қилиб, тўққизинчи беш йилликни муносиб якунлаб КПСС XXV съездини катта туҳфалар билан кутиб олиш учун мусобақани тобора қизитмоқдалар.

К. НОРМАТОВ.



Тошкент отчопари «Ҳосил байрами» қатнашчиларини кутиб олишга тайёр. А. Абалян фотоси.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ ЧОРЛАЙДИ

Тошкент отчопари бугун гўё катта тўйхонани эслатади. Ҳаммаёқ ораста. Бинолар пештоқига илинган қирмизи байроқлар майин тебранади. Пахтакорларни мадҳ этувчи шиорлар кўзга чўғдек ташланиб турибди. Электриклар, дурадгорлар, бўёқчилар шошилишаяпти. Сўнгги ишларни ҳам бартараф этиб, отчопарни меҳмон кутишга тўла шай қилишаяпти. Монтерлар ҳаракатланувчи рекламаларни, прожекторларни яна бир бор синашмоқда. Ҳаммаси жойида.

Ўртага ўрнатилган тўрт қиррали панно оҳиста айланяпти. Унга 5 000 000 рақами пахтадек оппоқ ҳарфлар билан битилган. Айланаётган панно бу рақамни ҳаммага кўз-кўз қилаяпти. Очиқ эстрада саҳналари, савдо павильонлари ҳам тайёр. Келаётган машина-машина саноат моллари, сабзавот ва полиз маҳсулотлари пештахталардан жой олаяпти. Йўлкалар бўйига дошқозонлар осилмоқда, мис самоварлар қўйилмоқда. Ёғоч кроватларга кўрпачалар тўшалиб, қўшболишлар тахланмоқда.

Ҳаммаси олтин қўлли пахтакорлар учун бўлаяпти. Эртага бу ерда анъанавий ҳосил байрами бошланади. Қўша-қўша карнай, сурнай ва ноғораларнинг тантанавор шўх овози азим шаҳарни тонг саҳарлаб уйғотади. Ҳамшаҳарларимизни, узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонларни ҳосил тўйига чорлайди. Узингиз кўрасиз, шу музаффар тонгда шаҳримизнинг барча йўллари отчопар томон бурилгандек бўлади. Калинин, Комсомол майдонлари, Революция хиёбони, Қўйлиқ, Юнусобод массивларидан чиққан автобуслар тўғри отчопар томон елади.

Республика областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан келган кўкси орден ва медалларга тўла пахтакорлар йўлкаларни тўлдириб, ёруғ юз билан отчопарнинг марказий минбари томон ўтиб борадилар. Тўйнинг тўри ўша куни шу азаматларники бўлади. Фидокор деҳқонларимиз эрта баҳордан кеч кузгача тинмай меҳнат қилиб, табиат қийинчиликларини мардонавор енгиб, она ер сийнасида 5 миллион тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини кўтардилар.

Қишлоқ хўжалик илғорларини саньаткорлар қувноқ куй ва қўшиқлар билан кутиб оладилар. Ўзбекистон давлат филармониясининг «Лазги» ансамбли, республикада хизмат кўрсатган артистлар Қувондиқ Искандаров, Жўманиёз Беқжонов, солистлар Ойхон Ёқубова, Отажон Ражабов миллий киймида қўлда торлари билан «Тўйлар муборак»ни бошлаб юборишади. Очиқ саҳналарда улар Ҳосил байрамига атаб тайёрланган ўз репертуарларини намойиш қиладилар.

Қўшни саҳналарда эса бадиий ҳаваскорлик коллективлари хуш овозлари билан меҳмонларни кўтлашади. Ўша куни Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози эстрада ансамбли, Октябрь район маданият уйининг «Баёт» ансамбли, Янгийўл шаҳри бадиий ҳаваскорлари хизматда бўлишади. «Лазги», «Хайтарма», «Қайғим» ансамбллари санъаткорларига жўр бўлиб, пахтакорлар дилини шод этадилар.

— Пахтакорларнинг мириқиб дам олишлари, Ҳосил байрамини кўнгилдагидек ўтказишлари учун биз барча шароитларни яратиб қўйганмиз, — дейди Тошкент шаҳар умумий овқатланиш бошқармаси раиси Р. Николаева. —Шаҳримиздаги барча умумий овқатланиш корхоналари, ошхоналар, трестларининг пазандалари меҳмонлар дастурхонига миллий ва европа таомларини тортишади. Бу ерда 1350 ўринли тўртта миллий ошхона ташкил қилинди. 20 та қозонда палов дамланади. 25 кўрада кабоб пишади, 10 жойда чойхона ташкил қилинади.

Тошкент область матлубот жамияти ташкилотлари ҳам Ҳосил байрами иштирокчилари хизматида бўладилар. Улар 10 жойда янги магазин кўришди. 8 жойда дўкон ўрнатишди, 800 ўринли ошхоналар ташкил қилишди.

— Ҳосил байрами кунлари жами уч ярим миллион сўмлик саноат, озиқ-овқат молларини савдо қиламиз, — дейди область матлубот жамияти савдони ташкил этиш бўлими бошлиғи Абдураҳмон Қаюмов. — Саноат моллари билан савдо қилувчи 60 метрли павильон муддатидан олдин қуриб битказилди. Дўконларга 100 машина сабзавот ва полиз маҳсулотлари, икки вагон цитрус мевалари келиб тушмоқда. 120 та автолавка ҳам ҳаракатда бўлади. Бисотимиздаги энг ноёб молларни байрам кунлари пахтакор ва соҳибкорларга тақдим этамиз.

Область матлубот жамияти умумий овқатланиш корхоналари ҳам ҳосил байрамига алоҳида ҳозирлик кўришди. 350 пезанда эрта тонгдан отчопар меҳмонлари хизматини бажаришга киришади. Осиладётган дошқозонларда паловлар дамланади, кабоблар пиширилади, чойхоналарда суҳбатлар авжига минади.

Йиғилганлар отчопарнинг кенг майдонида ўтказиладиган ҳар хил спорт мусобақаларини зўр қизиқиш билан томоша қиладилар. Чавандозлар мусобақасида қатнашадиган тулпорлар танлаб қўйилди. Улар пойгада, улоқда ва бошқа хил мусобақаларда қатнашади. Парашютчилар ва мотокроссчилар ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилишади. Саралашган командалар байрамга атаб, махсус программалар тайёрлашган. Жозибали баҳсларнинг, қизиқарли учрашувларнинг, қувноқ хандаларнинг гузоҳи бўлай десангиз эртага Тошкент отчопарига марҳамат қилаверинг.

З. МУҲАММАДЖОНОВ, Ж. НОСИРОВ.

ҚИММАТЛИ ХОМАШЁ

Сергелидаги ғўзапоядан прессланган плита тайёрлайдиган заводга областимиз районларидан хом ашё ортилган машиналар кетмакет келиб турипти.

Яқинда ишга тушган бу заводда махсус механизмлар ёрдамида йиғиштириб олинган ғўзапоялар қайта ишланиб, прессланган плитага айланмоқда. Бу плиталар енгиллиги, мустаҳкамлиги билан мебель саноатида жуда қўл келади. Ундан турли гарнитурлар, стол-стуллар, сервант ва шкафлар тайёрланади.

Илгаридаи фақатгина ёқилғи вазифасини ўтаган ғўзапоя эндиликда хом ашёга айланди. Уни саноат асосида қайта ишланишидан хўжаликлар ҳам, корхоналар ҳам бир хилда манфаатдордир. Хўжаликларга хомашё учун маълум миқдорда ҳақ тўланади, бундан ташқари сотиш учун кўплаб квадрат-метр плиталар ажратилади.

«ЛАЗГИ» САФАРДА

Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова раҳбарлигидаги «Лазги» ансамблининг довруғи бутун дунёга кетган. Ижодий коллективнинг Карфаген халқаро фестивалида олтин медаль билан тақдирланганлиги ҳам ана шундан далолат бериб турипти. У Халқлар ижоди VIII фестивалида ҳам қатнашди. Солистлардан Мавлуда Ойнақулова, Урбигул Суярбоевалар фестивалнинг биринчи мукофотига сазовор бўлишди.

«Лазги» ашула ва рақс ансамбли мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида ҳам бўлиб, ўз санъатларини намойиш қилдилар. Куни кеча эса ансамбль қатнашчилари Бекобод меҳнаткашларига хизмат кўрсатиш учун жўнаб кетдилар.

Улар Бекободда бўлганларидан сўнг, Фарғона водийсида, сўнгра Тожикистон шаҳар ва қишлоқларида концертлар намойиш этадилар.

ҚОРА ДЕНГИЗ САЁҲАТИГА

Областимиз илғор пахтакорлари, чорвадорлари ва саноат корхоналарининг ишчиларидан иборат катта туристик группа куни кеча саёҳатга жўнаб кетди. 700 киши махсус «Ўзбекистон» поездида Қора денгиз соҳили томон йўл олди.

Сайёҳлар 25 кун сафарда бўлишади. Улар Одесса, Севастополь, Ялта, Сочи, Сухуми, Батуми сингари шаҳарларни томоша қилишади.

Тез кунлар ичида асосан Улуғ Ватан уруши ветеранларидан иборат яна бир туристик группа ҳам саёҳатга отланади. Сафар қатнашчилари қаҳрамон шаҳар Ленинград билан танишадилар.

Шунингдек, «Тошкент» деб номланган туристик поезд ҳам йўлга отланмоқда. Бу сафарга Хотин-қизлар йили муносабати билан асосан дўллар жалб этилган.

«Дилором» туристик поезди Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган туристларни ҳамда дам олиш кунларини кўнгилли ўтказиш истагидаги меҳнаткашларни саёҳатга олиб чиқмоқда.

КЕНГ ЭКРАНЛИ КИНОТЕАТР

«Ўзбекшахтострой» трести томонидан қурилаётган бу кенг экранли катта кинотеатр Ўзбекистон кочегаркаси — Ангрен шаҳри аҳолиси учун мўлжалланган. Бу 800 ўринли янги кинотеатр шаҳар марказида қад кўтармоқда.

Бино қурилиши сўнгги архитектура ютуқлари асосида олиб борилаётир. Бу ерда ўрнатиладиган кондиционер ва иссиқлик пункти автоматик режим асосида ишлайди.

Янги кинотеатр йил охиригача фойдаланишга топширилади.

Реклама ва эълонлар

МОСКВА ШАҲРИДА

1975 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДА

1966 ЙИЛГИ ДАВЛАТ 3 % ЛИ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМНИНГ

76-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

ЮТУҚЛАР — 5000, 2500, 1000, 500, 100 ва 40 сўм қилиб белгиланган (ютуққа заём қиймати ҳам қўшилади) **ва 10 сўмлик заём облигацияларига ютуқнинг ярми тўланади.**

ДАВЛАТ 3 % ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ОМОНАТ КАССАЛАРИДА СОТИЛАДИ ВА СОТИБ ОЛИНАДИ.

ЗАЁМ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГ!

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Истиқбол эгалари. 19.10 — **«Ахборот».** 19.25 — Милдионлар лекциясини университети (Москва). 19.55 — КПСС XXV съезди шарафига. 20.20 — **«Ахборот».** 20.40 — Эртага — ҳосил байрами. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Кино оламида. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.00 — МОСКВА. 18.15 — Горичилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Эртак. 19.25 — Завод — қишлоққа (Тошкент). 19.55 — Қўшиқ ва рақслар. 20.40 — Бадиий фильм. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — «Оқ олтин» усталари. 20.35 — Фильм-концерт. 21.35 — Тошкент янгиликлари. 21.50 — Телеспектакль.

Эҳтиёт бўл, Зузу! — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Довюраклар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Париждаги ўғирлик (11.00, 13.30, 16.20, 19.00). **Қойилмақом** (12.00, 14.00, 15.40, 18.00, 20.00): — «ДРУЖБА».

Бобби (ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Бўлиши мумкин эмас — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4, 6, 7|XII да **Мен Чилига ишонаман.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4|XII да **Замонали ва Омонали,** 5|XII да **Олмфта** (кундузи), 6|XII да **Хонума хоним.**

КИНО

Унутилмаган қўшиқ — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоң соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ватан солдати — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда), «МОСКВА», «НУКУС», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Олимжаноб ўғри — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОЙ»

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент шаҳрида ишлаш учун ҳисобчи-кассир, токарлар, автослесарлар, шофёрлар, компрессор машинистлари, трактор чи-экскаваторчилар, дистпетчер-автоэлектрик алоқа монтажчилари: қалайловчилар, кабелчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси, ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.



Яқинда фойдаланишга топширилган Чирчиқ дарёси устидаги кўприкни 14-кўприк қурилиши бошқармаси коллективи бунёд этди. Бирйўла 6 қаторда ҳаракат қилиши мумкин бўлган кўприк қурилишида Муса Мирмусаев ва Константин Смирнов бошлиқ комплекс бригада аъзолари алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Суратда: кўприкнинг умумий кўриниши. Ш. Ибрагимов фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

МИХАИЛ МУХИН ТУРНИР ҒОЛИБИ

Олмаоталик Михаил Мухин Азимдин Ҳўжаев хотираси совғини учун ўтказилган навбатдаги анъанавий турнир ғолиби бўлди. У сўнгги тур олдидан 9,5 очко билан пешқадамлик қилаётган эди. Ғолибликка даъвогар бўлган Цейтлин 8,5, Борисенко ва Рудерферлар эса 8 тадан очко тўплашган эди. Пешқадам нинтига эришиш учун охирги ўйинни дуранг қилса кифоя қиларди. Шундай ҳам бўлди. Михаил Мухин тошкентлик Марк Рудерфер билан тезда «тил» топишиб дурангга рози бўлишди. Бу ярим очко М. Мухинни турнир ғолиби қилди, М. Рудерфер эса Борисенко, Қаюмов ҳамда Цейтлин билан бирга 2-3-4-5 ўринларни бўлишиб олди. Цейтлин сўнгги турда ғалабага эришганда иккинчи ўринни эгаллаган бўларди. Лекин у тошкентлик Е. Мухиндан енгилди ва турнирда 8,5 очко тўплаган тўртинчи шахматчи бўлди. Сўнгги турда Қаюмов В. Аъзамовни, Воротников Ивановни таслим қилди. Логинов билан Маслов, Борисенко билан Дементьев, Лутиков билан Г. Аъзамов партиялари дуранг бўлиб тугади.

Турнир ниҳоятда кескин ўтганлигини машҳур шахматчи гроссмейстер Лутиковдек кучли спортчи олтинчи ўринда қолганлигидан ҳам билиб олса бўлади. Катта уюшқоқлик билан ўтказилган бу анъанавий турнир унинг иштирокчилари ҳамда кўп сонли шахмат мухлислари учун эсда қоларли мусобақалардан бири бўлди.

ФАҚАТ ҒАЛАБА КЕРАК

Бугун Чимкентда мамлакат биринчилиги учун «А» класси биринчи лигасига чиқишга даъвогарлик қилаётган олти команда ўртасидаги финал ўйинлар ниҳоясига етади. Бундан аввалги турда жиддий баҳсда Риганинг «Даугава» командасидан 2:3 ҳисобида енгилган «Янгиер» биринчи группага ўтиш ўтмаслиги бугун «Терек» командаси билан бўладиган ўйинда аниқланади. «Даугава» билан Ашхободнинг «Строитель» футболчилари учта йўлланманинг иккитасини қўлга киритдилар. Учинчи йўлланма кимга тегаркин? «Янгиер»гами ёки «Терек»ками? Агар «Янгиер» ғолиб келса «Терек» билан баравар олтитадан очко тўплайди. Низомга кўра очколар тенг келганда командалар ўртасидаги ўзаро ўйин натижаси ҳисобга олинади.

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Тбилисида физкультура институтлари, иқтимоий ва техника олий ўқув юртлари спорт клублари ўртасида бутуниттифоқ мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда 400 дан зиёд спортчи иштирок этди. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилган физкультура институти спорт клуби талабалари шамширчилар ўртасида бўлган баҳсда биринчи ўринни эгалладилар. И. Алибеков, Б. Либерман ва И. Кокаревлардан иборат Тошкент командаси биринчи ўринни эгаллади. И. Алибеков шахсий ҳисобда учинчи ўринни олиб, бронза медалига сазовор бўлди. Физкультура институти вакиллари институтлар спорт клублари ўртасида умумий еттинчи ўринга чиқишди.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Ворошиловградда халқаро шашка бўйича мамлакат XXI чемпионати давом этмоқда. Бунда республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган тошкентлик халқаро классдаги спорт мастери С. Давидов ўн тўрт турдан кейин 8,5 очко билан бешинчи ўринда бормоқда.

ҲАР ТЎҒРИДА

ҚАМИШДАН ЦЕЛЛЮЛОЗА

Руминиялик мутахассислар Дунай дарёси бўйларида кўплаб ўсадиган қамишдан тоза целлюлоза, қоғоз ва картон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Уларнинг фикрича, бу арзон, аммо пишиқ ўсимлик ҳозирги вақтда тобора қимматга тушаётган ёғоч ўрнини бемалол боса олади.

Аммо, ёввойи ҳолда ўсадиган бундай қамиш одатда калта бўй бўлади. Шунинг учун ҳам олимлар бу ўсимлик селекцияси билан шуғулланишга қарор қилдилар. Уларнинг ҳаракатлари бекор кетмади: бамбукка ўхшаш қамишнинг янги тури пайдо бўлди.

Бундай қамишнинг бўйи олти метрга етиб, диаметри беш сантиметр атрофидадир. Бир гектар қамишзор энди ўн тоннагача целлюлоза ишлаб чиқариш имконини беради. Бундай қамишзордан ўн йил давомида узлуксиз ҳосил олиш мумкин.

ВАЗНИ ЕНГИЛ ДАРСЛИКЛАР

Ҳозирги вақтда ГДРнинг Дрезден шаҳридаги нашриёт чиқараётган дарсликларнинг вазни ўрта ҳисобда 70 грамм енгиллашди.

Агар ўқувчилар ўз папкаларига кунига олти-етти дарсликни солиб, мактабга борib-келишлари ҳисобга олинса, ҳар бир папка оғирлиги тўрт-беш килограмм енгиллашди, демакдир.

Албатта, бундай дарсликларнинг ҳажми ўзгармади. Аммо уларнинг вараги қоғоздан эмас, балки мустаҳкам полимер фольгадан ишланди. Бунинг яна бир афзаллиги шундаки, мазкур материалдан ишланган дарсликлар одатдагидан анча узоқ вақтга чидайди. Агар унинг саҳифаларига сиёҳ томиб кетса, совунланган сув билан артиб, тозалаб қўйиш ҳам мумкин.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти коллективи «Меҳнат муҳофазаси» кафедрасининг катта ўқитувчиси Т. Муҳаммаджонова онаси

Баҳри РАҲИМБЕРДИЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р—20100. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26 Индекс 64634. Б—3488.